

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАҚУЛОВА НИГОРА ХОЛМАТОВНА

БИООРГАНИК КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН
Фойдаланиш методикаси

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2020

Педагогика фанлари бўйича (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Жўракулова Нигора Холматовна

Биоорганик кимё фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда электрон таълим воситаларидан фойдаланиш методикаси5

Журакулова Нигора Холматовна

Методы использования электронных средств обучения при повышении эффективности преподавания биоорганической химии23

Jurakulova Nigora Kholmatovna

Methods of using electronic learning tools for increase the effectiveness of teaching bioorganic chemistry.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАҚУЛОВА НИГОРА ХОЛМАТОВНА

БИООРГАНИК КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН
Фойдаланиш методикаси

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD.Ped788 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида qarshidu.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ихтиярова Гулнора Акмаловна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашева Гулрухсор Сурхонидиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Ражабов Худаёр Мадримович
педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD)

Етақчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражасини берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «15» декабрь соат 14 00 да мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.:(0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz http://www.qarshidu.uz). Қарши давлат университети, Бош бино 1-қават, Фаоллар зали (102-хона).

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (Ҳрақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (+99893) 937-89-37. Mahfuza.Rahmonova15@mail.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «6» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «6» декабрь даги 2 рақамли реестр баённомаси).



Р.Д.Шодиёв

Илмий даражалар берувчи, илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

И.Б.Камолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.д. (PhD)

О.Жўраёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимё таълим-тарбия жараёнидаги муҳим муаммоларни ҳал этишда АКТ соҳасидаги янги ёндашувлар, инновацион метод ва воситаларни татбиқ этиш, биоорганик кимё бўйича компетентли мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Биоорганик кимё фанини модернизациялаш борасида юқори натижаларга эришилган. Хусусан, генетик кодларни таҳлил қилиш, клонлаш, терпенлар ва стероидларга янги моддаларнинг қўшилиши, конформацион изомерия (кетто-еноль таутомерия)ларнинг айланма жараёнлари талабалар учун қизиқарли ва мустақил фаолиятга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда кимё фанини ўқитишда электрон ахборот-таълим муҳитини (e-learning) янгича шакллари яратиш, ривожланган мамлакатларда ДНК ва РНКларни ўрганиш компетенциясига эга бўлган оксил муҳандислиги¹, ўқув жараёнини виртуал лойиҳалаш (Simulations) ва халқаро баҳолаш дастурлари асосида касбий тайёргарлигини орттириш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларнинг амалий қамровини кенгайтириш мақсадида кимё йўналиши талабалари учун “Биоорганик кимё” фанидан электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш, онлайн таълим тизимлари билан методик тизимини уйғунлаштиришнинг педагогик-психологик ечимига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда кимё-биология таълимини ислоҳ қилиш, электрон ресурслар ва масофавий таълимни янада ривожлантириш, салоҳиятли педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан модернизациялаш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар имконияти янада ошди. “Зеро, ўғил-қизларимизни кимё ва биология фанлари бўйича чуқур ўқитиш ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган фармацевтика, нефть, газ, кимё, тоғ-кон, озиқ-овқат саноати тармоқларини жадал ривожлантиришга туртки беради ҳамда пировардида халқимиз турмуш шароити ва даромадларини оширишга пухта замин ҳозирлайди”². Ушбу яратилган имкониятлар кимё таълимида, жумладан, биоорганик кимё фанини ўқитишнинг дастурий воситаларидан самарали фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш орқали таълим сифатини ошириш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 июлдаги

¹ Journal of Chemical Education. <https://doi.org/10.1021/ed400264w>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Манба: <https://lex.uz/docs/4945470>

“Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 228-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон 2020 йил 23 сентябрдаги қонуни³ ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат килади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада таълимда инновацион технологиялардан ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича У.Ш. Бегимкулов, Н.И.Тайлақов, У.И.Иноятов, А.А.Абдуқодиров, О.Х.Туракулов, Г.С.Эргашева, кимё фанини ўқитишда электрон таълим воситалари ва методикага оид тадқиқотлар: Х.Т.Омонов, Ш.М.Миркомиллов, Ш.А.Мамажонов, Г.А.Ихтиярова, А.М.Насимов, Н.Анварова, Н.С.Умиров, Ф.М.Закирова ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида кимёни ўқитишда ахборот технологиялари, таълим ресурсларидан, самарали воситалардан фойдаланиш муаммолари М.М.Соловьев, И.Н.Барисов, М.М. Паркина, А.А.Фирер, Н.Н.Барботина, Д.В.Щербаклова, Г.П.Андреев, Е.Г.Алексеев, П.С.Батишев, О.И.Басина, М.С.Артюхина, С.А.Бородачев, В.В.Алейников, Е.Аленичева, Г.П.Андреев, Е.Г.Алексеев, М.П.Лапчик, Е.Н.Балыкина каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий давлатларда кимё таълими жараёнига ахборот технологияларини қўллаш, компьютер ёрдамида моделлаштириш, электрон таълимни жорий этиш, илфोर педагогик ва ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш методикаси бўйича В. Dogde, S. Goodman, R. Kozma, Zephrinus C, Njoku, Maria Limniou, Nikos Papadopoulos, David Roberts, N. Rizk, A. Sorgo, L.Masterman, T. March, J. Huppert, Ying Ouyang, Aleksey Porollo, Jaroslaw Meller, Milada Terpla ва бошқалар тадқиқот олиб борган.

Мазкур соҳада қатор ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, кимё таълимида (хусусан “Биоорганик кимё” фанидан) электрон таълим воситалардан самарали фойдаланишни такомиллаштиришнинг илмий-методик жиҳатларини яхлит концептуал асосда ишлаб чиқиш муаммосига бағишланган махсус, кенг қамровли тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

³ Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисида қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й. 23-сентябрь, 36-модда

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион илмий-тадқиқот иши Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АИФ- 2/17-“Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда янги технологиялар” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида кимё йўналиши талабалари учун “Биоорганик кимё” фанидан электрон таълим тизими ва таълим технологияларини уйғунлаштирилган ҳолда ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биоорганик кимё фанини ўқитишнинг методик самарадорлигини мазмун-моҳиятини очиб бериш, талабаларда дастурий воситалар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатларини таҳлил қилиш орқали асослаш;

талабаларда креативлик, интерфаоллик, шахсий имкониятларини мақсадга йўналтирилган ва самарали ривожлантириш имконини берувчи таянч техник компетенциялари ҳамда педагогик шартларини аниқлаштириш;

индивидуал ёндашув асосида таълим технологиялари ва визуаллашган ўқув жараёни интеграцияси орқали талабаларда электрон воситалардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш мазмунини ёритиб бериш;

биоорганик кимё фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш моделининг назарий ва диагностик компонентларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида биоорганик кимё фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда электрон таълим воситаларидан фойдаланиш жараёнлари.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида биоорганик кимё фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда электрон таълим воситаларидан фойдаланиш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусига оид илмий, методик, электрон манбаларни қиёсий-танқидий таҳлил этиш, олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, анкета, суҳбат, кузатиш, тест, лойихалаш, эксперт баҳолаш; тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биоорганик кимё фанининг ўқитиш самарадорлигини ошириш учун талабаларда дидактик электрон таълим воситаларидан фойдаланиш малакаларини ривожлантириш ҳамда амалий фаолиятда рефлексия қобилятининг функционал компонентлари билан интеграллашган аспектлари аниқлаштирилган;

талабаларнинг биоорганик кимё фанига оид таянч компетенциялари (интерфаоллик, техник тафаккур, ҳамкорлик кўникмаси, шахсий имкониятлар)ни қайта модификациялаш асосида такомиллаштирилган;

визуал тақдимотли ва виртуал лабораториялар ёрдамида тирик организмлардаги кечадиган ҳаётий жараёнларни ўқитишнинг методик тузилмаси (фасилитаторлик асосида) такомиллаштирилган;

биоорганик кимё фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда интерфаол методлар (“Ментал карта”, “Эмпирик ва инверсион лаборатория”) ҳамда педагогик праксеология асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кимё таълимида электрон таълим воситаларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган электрон қўлланмалар яратилган;

олий таълим муассасаларининг кимё йўналиши талабалари учун биоорганик кимё фанини электрон таълим технологиялари асосида такомиллаштирилган дарс ўтиш методикаси (дарс ишланмалари) ишлаб чиқилган;

талабаларда биоорганик кимё фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик жараённинг модели такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларининг ишларига асосланганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари ёрдамида тасдиқланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади; республика интеллектуал мулк агентлигидан №05482 рақамли “Биоорганик кимё” электрон дарслик, №06464 рақамли “Ноорганик кимё” фанидан электрон қўлланма ва №07843 рақамли “Кимёвий моддалар зичлигини ўрганиш учун компьютер дастур” лари бўйича гувоҳномалар расмий рўйхатидан ўтказилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кимё таълимида, хусусан, биоорганик кимё фанида электрон таълим воситаларидан самарали фойдаланиш шакллари ва технологиялари асосида талабаларнинг интерактив воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини таркиб топтириш, уларнинг ахборот компетенциясини ривожлантириш, бакалаврият таълим йўналишида электрон таълимнинг мультимедиа, виртуал лаборатория, анимациялар негизидаги интерактив дастурий воситаларидан фойдаланишга йўналтирилган ўқитиш методикасининг мазмуни ва технологик асосларини такомиллаштиришда фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кимё таълимида электрон таълим воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида яратилган электрон ресурс кимё ўқитиш методикасининг методик таъминотини мустаҳкамлашга хизмат қилиши ва олий таълимда бакалаврлар тайёрлаш бўйича назарий ва методик тавсиялар келтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларни билим сифати ва самарадорлигини электрон таълим воситалари негизида

такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

Олий таълим муассасаларида биоорганик кимё фанини амалий ва семинар машғулотларини ўқитишда талабаларда амалий фаолиятда рефлексия қобилиятининг функционал компонентлари билан интеграллашган кўникмаларини ривожлантиришни таркиб топтиришга оид таклиф ва мулоҳазалар “Биоорганик кимё (амалий машғулотлар)” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 525 буйруғи, 525-115 сон маълумотномаси). Мазкур талаблар асосида кимё йўналиши талабаларининг методик ва ахборот компетентлиги даражалари шакллантирилиб, фанни ўзлаштириш самарадорлиги оширилган;

биоорганик кимё фанини ўқитишда электрон таълим воситалардан фойдаланиш бўйича методик ёндашувлар, бўлажак кимёгар талабаларнинг ўқув фаолиятидаги сифат самарадорлигини оширишдаги педагогик шахсга йўналтирилган ёндашувларга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи билан тасдиқланган (5140500-Кимё) таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 ноябрдаги 89-03-4802-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида кимё йўналиши талабаларининг креативлик қобилиятларини ривожлантириш орқали кимё фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

биоорганик кимё фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда касбий фаолиятга йўналтирилган кейслардан, амалий машғулотларни ташкил этишга асосланган виртуал лаборатория машғулотлари ва визуал таълим имкониятларини фасилитаторлик фаолияти билан муносабатлар доирасини кенгайтиришга оид таклифлардан И-ХТ-0-19929 рақамли “Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9-синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 ноябрдаги 89-03-4802-сон маълумотномаси). Ушбу лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган педагогик проксеология таълим жараёнини оптималлаштириш, кимё таълим жараёнини электрон дастурий воситалар ёрдамида ташкил этишнинг методик имкониятлари ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган: 5 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий-методик журналларда, жумладан, уларнинг 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий

махсулотлар учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан 3 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши: диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Электрон таълим воситалари ва улардан таълим жараёнида фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида электрон таълим технологияларининг мавжуд назарий асослари тавсифий моҳияти ёритиб берилган. Умумий маънода визуал ва аудиовизуал ахборотдан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, “электрон дарслик”, “электрон таълим воситалари” тушунчалари ҳақида, таҳсил жараёни самарадорлигини таъминловчи муайян тизим сифатида тадқиқ қилинади. Хусусан, таълим муҳитини талабаларнинг аниқ бир фандан муайян билимлари, кўникма ва малакаларни эгаллаши жараёнини энгиллаштирувчи дидактик шароитлар йиғиндисини яратишга қаратилган махсус уюшган муҳит сифатида таърифланган. Бу муҳитда ўқитишнинг мақсадлари, мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари ҳаракатчан ва ўзгаришларга мойил бўлиши мумкинлиги кўрсатиб берилган. Таълим ва тарбиявий аспектлари талабалар аудиториясига мўлжалланган махсус ахборот оқимларини ташкил этиш орқали амалга оширилади. Ҳозирги вақтда барча мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам фанларни ўқитиш замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали амалга оширилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши таълим олдида илғор ўқитиш амалиётини кенгайтириш ва таълим усулларини такомиллаштириш муаммосини келтириб чиқармоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан электрон таълим воситаларининг узлуксиз янгилашиб бораётганлиги фанларни ўқитишда таълим усулларини мутаносиб тарзда ўзгартириб мослаштириб бориш ҳамда ривожлантиришни талаб қилади. Шунинг учун биз тадқиқ этилаётган кимё таълим йўналиши талабаларига таълим беришда электрон таълим воситалардан фойдаланиш орқали бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда доимо янги методик ёндашув талаб қилинади.

Кимё таълимида замонавий электрон таълим воситалардан фойдаланишнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиниб, ҳозирги кунда чет эл олий ўқув юртларида фойдаланиб келинаётган педагогик дастурий воситалар кўрсатиб берилди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида таълим жараёнида фойдаланилаётган педагогик дастурий воситалар таҳлил қилинди. Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар атрофлича ўрганилди. Таҳлиллар натижасида кимё таълим жараёнида электрон таълим воситалардан фойдаланишнинг таркибий тузилиши ишлаб чиқилди.

Жаҳон миқёсида 2030 йилгача қабул қилинган барқарор тараққиёт таълими концепциясида “барқарор тараққиётга эришишда кимё фанининг бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлиқ амалий, қулай ва барқарор ечимга эгаллиги” таъкидланган. Шу асосида кимё фанини электрон таълим воситаларидан фойдаланиб ўқитиш – талабаларда кимё, ахборот технологиялари, педагогика, чет тиллари фанларини бир вақтда мустақил ўзлаштиришга имкон беради. Бу эса таълим сифат самародорлигини ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Электрон ўқув адабиётларини яратиш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича хорижий ва ватанимиз олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан М.М. Паркина, А.А.Фирер, Н.Н.Барботина, Д.В.Щербакова (олий ўқув юртларида ноорганик кимёдан Электрон дарслик муаллифлари), Б.С. Гершунский, В.Г.Разумовский, А.В. Петров, В.Е.Алексеев, Г. И. Дерябина (информатика фанидан), Я.И.Червякова, О.В.Чибисова (электрон дарслик янги ахборот технологиялари асосида) Г.А.Ихтиярова (Умумий кимё, Коллоид кимё, Органик кимё, Кимёвий технология), Г.С.Эргашева (биология), Ш.М.Миркомиллов, Л.Т.Зайлобов, Ф.М.Алимова, Э.У.Эшчановнинг ишларида турли йўналишдаги педагогик дастурий воситалар ишлаб чиқиш ва бу дастурий воситалардан ўқув жараёнида фойдаланиш методикаси келтирилган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфиди электрон дарслик ва унинг яратилиш ҳолати тадқиқ этилди. Талаба электрон дарслик орқали қуйидаги имкониятларга эга бўлиши мумкин: зарурий маъруза ва лаборатория ишларини режа асосида тезда излаш (оддий дарсликда буни топиш қийин); китоб ва дарсликда бўлмаган аудио, видео кўринишларни: тажрибаларда содир бўладиган ҳодисаларни – газнинг ажралиши, моддаларнинг ёниши, чўкманинг ранги, унинг эриши билан боғлиқ жараёнлар ва ҳаракат элементларини кўриш ва эшитиш; мавзуга тегишли реакция тенгламаларини ва тажрибаларни мультимедиа кўринишида кўриш; кимёвий формулалар, схемаларнинг тузилишини, тасвирини анимацион кўриш; матннинг зарурий лавҳаларини принтер орқали босмадан чиқариш; талабанинг маърузада олган билимини мустаҳкамлаш ва тез текшириш (тест, масалаларни ечиши, жадвални тўлдириш каби); кимё соҳасидаги муҳим тарихий саналарни билиш; кимё соҳасида изланишлар олиб борган олимлар билан танишиш, уларни кўриш ҳамда улар ҳақида маълумотлар олишга муваффақ бўладилар.

Талабалар ўтказиб юборган маъруза машғулотини кўриш имкониятига эга бўладилар.

Аминокислоталар молекуляр структурасининг анимацион ва анализини А.Поролло, Жарослав Меллер, РНК бошланғич структурасининг анимацион моделини W.Zhang, A. Keiser, Jan Kruger лар яратиб, таълимда бу ҳаракатчан кўринишлардан фойдаланиб дарс ўтиш билим олишни енгиллаштиришини изоҳлашган.

Электрон дарсликка фанга тегишли мажмуаларни жойлаштириш C++, Delphi 7.0 педагогик дастурий воситалар ёрдамида амалга оширилганлиги таъкидланган.

Кимё йўналиши талабарининг “Биоорганик кимё” фани юзасидан билим даражасини аниқлаш учун 10 дан ортиқ дарслар кузатилди. Кузатишлар таҳлили натижасига кўра, талабаларни фанга нисбатан илҳомлантириш учун замонавий электрон таълим воситаларидан фойдаланишни кучайтириш, талабаларда фанга нисбатан мотивацияни ривожлантириш зарурлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Кимё йўналишларида биоорганик кимё фанини электрон таълим технологияларидан фойдаланиб ўқитиш методикаси”** номли иккинчи бобида кимё таълимида биоорганик кимё фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш учун талабаларда дидактик электрон таълим воситалари (виртуал реаллик, v-academia) дан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга, ўқитишнинг методик жиҳатларга эътибор қаратилган.

Кимё йўналиши талабаларига биоорганик кимё фани машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси педагогик ўқитиш технологиялари (“Ментал карта”, “Эмпирик ва инверсион лаборатория») ва электрон таълим ресурсларни (виртуал лабораториялар, анимация эффектлари, визуал тақдимотлар, аудио ва видео воситалар) ўқув босқичларини билимлар кетма-кетлигига боғлаш, мослаш ва тўлдириш асосларида баён этилган.

Лаборатория машғулотлари сифатини ва талабаларнинг лаборатория машғулотларига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида замонавий дастурий воситаларидан фойдаланиш, лаборатория машғулотлари жараёнига дастурий воситаларни қўллаш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, “Биоорганик кимё” фанидан таутомерия, конформацион изомерияларни айланиш жараёнларини, оксиллар биосинтези, ДНК ва РНК ларни тузилишларини анимациялар орқали кўриш дарсга бўлган қизиқишни янада оширади. Оксиллар биология ва кимё фанларида алоҳида ўринни эгаллайди. Улар ҳаётий жараёнларнинг моддий асоси ҳисобланади. Жонли хужайраларда борадиган асосий жараёнлар - модда алмашинуви, бўлиниш ва кўпайиш хужайра оксилларига боғлиқ. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, оддий оксиллар α -аминокислоталарнинг бир-бири билан пептид боғлари орқали бириккан полимерлари ҳисобланади. Шунинг учун оксиллар кимёсини ва унинг вазифаларини ўрганишдан аввал α -аминокислоталар ва пептидлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак. Ҳамма табиий α -аминокислоталар (глициндан ташқари) асимметрик углерод атомига эга

бўлганлиги учун улар икки хил оптик актив формада бўлиши мумкин. Ана шу конформацион изомерияларни талабалар назарий маълумотлардан тасаввур қилишган бўлса, электрон дарсликда бу жараёни визуал ҳолда кўриб, билимларини мустаҳкамлашади.


Мазкур бобда шунингдек, ахборот-коммуникацион таълим муҳотида электрон таълим воситаларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий аспектлари ишлаб чиқилган.

Тажрибалардан маълумки, ўқув жараёнида талабаларнинг психологик хусусиятларига мувофиқ иш олиб борилса, ўқитувчи педагогик маҳорат билан талабаларга мавзунини етказиб беролса, улар билимларини яхши ўзлаштиради. Билимни ўзлаштиришнинг муҳим шартини тушунишдир. Талабаларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришда электрон таълим воситаларидан ва таълим технологияларини уйғунлашган ҳолда фойдаланиш ўзига хос афзалликларга эга бўлиб, уларнинг мантикий фикрлашга, фанга илмий ва ижодий ёндашишга ўргатади, ўқув мавзуларини ўзлаштиришни соддалаштиради, илмий дунёқарашининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади, билимларни мустаҳкам эгаллашга ёрдам беради, ҳис-туйғуларга таъсир этган ҳолда машаққатли ақлий фаолият натижасида фанга ва касбга нисбатан ижобий муносабатда бўлади. Шунга кўра, таъкидлашимиз мумкинки, талабаларнинг ижодий фаоллиги ва ўқув фаолиятининг тўғри ташкил этилиши, “Биоорганик кимё” фанини ўқитиш самарадорлигига ва электрон дарсликдан фойдаланиб қизиқарли равишда маъруза ва лаборатория машғулотларини ўтилишига замин яратилади. Бунда талабаларга мавзуларни мустақил ўрганиш кўникмаларини эгаллашга ёрдам беради. Мазкур ғоялар асосида тадқиқот доирасида электрон таълим воситаларидан фойдаланиб, “Биоорганик кимё” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш моделининг тузилмасини ишлаб чиқдик (1-расмга қаранг).

Моделнинг методологик компоненти кимё фани таълимининг назарияси ва методикасига, олий таълим назариясига ҳамда бакалавр тайёрлаш яхлит тизимининг барча компонентлари интеграциясига асосланган.

Моделнинг мазмунли компоненти фундаментал қонунларни, тушунчалар, таълимда узлуксизлик, узвийлик, таълимдаги тизимлилик ва бир-бирини тўлдириш кабилар ҳисобга олинади. Таълимдан мақсад: талабаларни электрон таълим воситалар негизида “Биоорганик кимё” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш бўлиб, у методик тизим технологик жараёнлар компоненти доирасида таълим воситаларни жамлайди.

“Биоорганик кимё” фанини ўқитишда дарс жараёнида фойдаланиш мақсадида дарс ишланмалари методикаси ҳам келтирилди. Мазкур параграфда лаборатория дарсларида “Эмпирик ва инверсион лаборатория” методи, “Оқсил биосинтези” мавзуларини “Ментал карта” таълим технологиялари бўйича ўқитишга мўлжалланган дарс ишланмалари диссертациянинг 3-иловасида келтирилган.



1-расм. Биоорганик кимё фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш моделининг тузилмаси.

Бу таълим технологиялари кимё фани бўйича ўқув-фаолиятига тайёргарликнинг дастлабки даражасини аниқлаш; “Биоорганик кимё” фанидан мавзуларни ўрганишда тизимлилик механизмларни аниқлаш; мотивацияни кучайтириш, ўз-ўзини ташкил қилиш, ўз-ўзини бошқариш, назорат қилиш ва рефлексия қобилиятлари шаклланганлигини ташхислаш жараёнлари асосида олиб борилади

“Ментал карта” талабаларда тасаввур қилиш ва фикрларни тизимлаштириш, ўтилаётган мавзудаги бош ғоялар ёки тушунчаларни изоҳлашга ёрдам берувчи иккиламчи ва учламчи ғоялар ёки тушунчаларни ажратиш кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган (Оқсиллар мавзуси мисолида). “Ментал карта” таълим технологиясини амалга ошириш турли табиий-илмий, технологик ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш ва тадқиқ қилиш учун кимёвий аппаратдан фойдаланиш кўникмаларини, талабаларнинг рефлексив позициясини шакллантиришга кўмаклашади.

”Эмпирик ва инверсион лаборатория“нинг мақсади – сезги, тасаввур ва тафаккурни ривожлантириш; мустақил таълим тизимларни, кимёвий лабораторияларда ижодий қобилиятларини шакллантиришни амалга оширади.

Электрон дарслик “Биоорганик кимё” фанининг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига мувофиқ мавзулар бўйича кетма-кетликда берилган бўлиб, ундан фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва методикасига боғлиқ бўлса, талаба учун ижодий фаоллик талаб қилади.

Биоорганик кимё фанидан талабаларнинг кўникмаларини шакллантириш маъруза ва лаборатория машғулоти, мустақил таълим олиш вақтида ўқув-маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, унинг муҳим жиҳатларини ажратиш, янги ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини олдингиси билан ўзаро боғлаш, умумлаштириш, такрорлаш, уларни амалга татбиқ қилиш орқали шаклланади ва ривожланади.

Биоорганик кимё фанида электрон дарсликда атом моделини тадбиқ этиш жараёнида таълимнинг фаолиятли ва шахсга-йўналтирилган электрон таълим воситаларидан фойдаланиш, қўйилган вазифаларни ҳал этиш имконини берган. Кимё таълими электрон моделини яратиш жараёнида мазкур ёндашувлардан фойдаланиш, талабаларни иқтидорини рўёбга чиқариш имкониятини яратган ва кимё соҳаси бўлажак мутахассисининг малака ҳамда кўникмаларини тезкор ўзлаштириши, илм олишга, касбий маҳоратни такомиллаштиришга интилиб бориш қобилиятининг ривожланиб боришини таъминлаган.

Кимё йўналиши талабалари учун электрон дарсликдан фойдаланиш ишларини олиб бориш, олинган натижаларни таҳлил қилиш, таҳлил қилинган натижаларнинг математик моделини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқот самарадорлигига етарлича ижобий таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг шу бобидаги 2.3- параграфида “Биоорганик кимё” фанини ўқитиш методикаси келтириб ўтилган. “Оқсил биосинтези” мавзусини ёритишда и-РНҚ, т-РНҚларнинг синтез жараёнидаги иштироки ва генетик кодларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини электрон кўринишда

анимацияларда берилиши, изоҳли луғатлар, ассесментлар, HotPotato дастурида кроссвордлар, Ispring дастуридаги тестлар талабалар учун мавзуни тўла ўзлаштириши тушунарли тилда асослаб берилган. Маърузалар ичида ҳам изоҳли луғатлар, таянч иборалар маъноси келтирилган.

Тадқиқот жараёнида талабалар аудиторияси учун электрон восита (дарслик) асосида биоорганик кимё фанининг ўқув-услубий таъминоти яратилди, моделни педагогик амалиётга жорий этиш методикаси ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари”** деб номланган учинчи бобида олий таълим муассасаларининг кимё таълим йўналишининг 3-босқичида таълим олаётган талабаларга биоорганик кимё фанини электрон дарслик ва таълим технологиялари ёрдамида ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган.

“Биоорганик кимё” фанидан тажриба-синов ишининг ташхис ва башорат қилиш босқичи 2017 йилда тадқиқот мавзусига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, педагогик ва психологик, илмий-методик адабиётлар таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқот мақсади, объекти, предмети ва вазифалар белгиланди. Тажриба-синов ўтказиш дастури ишлаб чиқилди ҳамда тажриба-синов ўтказиладиган олий таълим муассасалари белгиланди.

Ташкилий-тайёргарлик босқичи 2018 йилда мамлакатимиздаги учта олий таълим муассасалари иштирокчилари таркиби ва вазифалари аниқлаштирилди. Талабаларнинг ўқув натижаларини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари белгиланди. “Биоорганик кимё” фанидан Ziyonet тармоғида электрон таълим технологияларни яратиш босқичлари ҳамда синовдан ўтказиш, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва фойдаланишга топшириш босқичлари илмий нуқтаи назардан таҳлил этилди.

Амалий босқичи 2017-2020 йилларда “Биоорганик кимё” ва “Ноорганик кимё” фанларидан электрон дарслик яратилди. Яратилган электрон дарслик синовдан ўтказиш ва сифат даражасини аниқлаш мақсадида Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети ва Навоий давлат педагогика институтининг кимё таълим йўналишининг 3-курс талабалари жалб этилди. Тажриба майдони сифатида белгиланган олий таълим муассасаларида экспериментатор 37 нафар профессор-ўқитувчи томонидан электрон дарсликнинг мазмуни синовдан ўтказилди. Фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида 2020 йилнинг январь-июнь ойларида статистик таҳлил ишлари олиб борилди. Таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Тажриба-синов тадқиқотини амалга ошириш мақсадида олий таълим жараёнида 2016-2017 ўқув йилида VI семестрда Бухоро давлат университетидан 59 нафар талаба (3-1-kim-14, 3-2-kim-14, 3-3-kim-14) иштирок этди. Бунда тажриба гуруҳига 31 нафар, назорат гуруҳига эса 28 нафар талаба олинди. 2017-2018 ўқув йилида эса Қарши давлат университети Табиий фанлар факультети 5140500-Кимё йўналиши 3 –босқичнинг 68 нафар талабалари (015-58; 015-59; 015-60)дан тажриба иши олиб борилди; тажриба

гуруҳига ҳам назорат гуруҳига ҳам 34 нафар талаба ажратилди, 2018-2019 ўқув йилида Навоий давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети 5110300-Кимё ўқитиш методикаси 3-босқичнинг 69 нафар (3А-34, 3В-35) талабадан (тажриба гуруҳига-33 нафар, назорат гуруҳига-36 нафар) “Биоорганик кимё” фанидан электрон дарслик асосида дарс машғулоти олиб борилди. Гуруҳ талабаларидан жами 297 нафар талабадан тажриба-синови ўтказилди. Бунда ҳам талаба, ҳам ўқитувчи интерактив ҳолатда қатнашишлари кузатилди.

Педагогик тажриба-синов ишларининг умумлаштирувчи босқичи 2020 йилда талабалар томонидан олган баҳолари умумлаштирилди, улар натижаларининг ишончлилигини ва тўғрилигини текшириш мақсадида “Стьюден-Фишер” критериясидан фойдаланиб, математик-статистик таҳлил ўтказилди.


1-жадвал

Тажриба охирида олинган натижаларнинг статистик ҳисоби

Яқунловчи								
Таълим муассасалари	Бухоро давлат университети		Қарши давлат университети		Навоий давлат педагогика институти		Жами	
	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат
Ўртача қиймат	2,04	1,73	1,98	1,68	1,84	1,53	1,95	1,64
Самарадорлик	1,18		1,18		1,20		1,19	
Танланма дисперсия	0,41	0,47	0,52	0,50	0,57	0,48	0,51	0,49
Ўртача квадратик четланиш	0,64	0,69	0,72	0,71	0,76	0,69	0,71	0,70
Вариация кўрсаткичи	0,32	0,40	0,36	0,42	0,41	0,45	0,37	0,43
Ишонч четланиши	0,12	0,14	0,14	0,14	0,16	0,13	0,08	0,08
Ишонч интервали	1,92	1,59	1,84	1,54	1,68	1,40	1,87	1,56
	2,16	1,87	2,12	1,82	2,00	1,66	2,04	1,72
Стьюден статистикаси	2,26		2,13		2,18		3,82	
Статистиканинг озодлик даражаси	87,99		99,97		98,70		295,00	
Критик қиймат	1,99		1,98		1,98		1,97	
Ўқитиш сифатини баҳолаш кўрсаткичи	1,031		1,012		1,015		1,089	
Билим даражасини баҳолаш кўрсаткичи	0,336		0,298		0,281		0,311	
Критерий хулосаси	Н ₁		Н ₁		Н ₁		Н ₁	


Статистик ҳисоб натижаларига кўра ўртача қийматлар ҳар бир гуруҳларда фарқли бўлиб, самарадорлик кўрсаткичи ўртача 1,19 баробар 19% га ошган бўлиб, ўртача қийматларнинг ишонч оралиғининг бир бири билан устма-уст тушмайди. Стьюдент статистика қиймати критик қийматдан катталигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим муассасаларда H_1 гипотеза қабул қилинади, яъни тажриба гуруҳларида олиб борилган тадқиқот ишлари назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканлиги исботланди. Шунингдек тадқиқот ишларидаги ўқитиш сифатини баҳолаш кўрсаткичлари бирдан катталиги, ҳамда талабаларнинг билиш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари нолдан катталиги олиб борилган тадқиқот ишларининг самарадорлигидан далолат беради.

Энди тажриба синов ишларининг ҳар бир босқичидаги умумий ҳолатдаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ва самарадорлик кўрсаткичларини ифодаловчи диаграмма кўринишларини келтирамиз.



2-расм. Ўзлаштириш кўрсаткичлари

Ушбу диаграммалар ва юқоридаги ҳисобларга кўра тажриба гуруҳларида олиб борилган олиб борилган борилган тадқиқот ишларининг натижаси назорат гуруҳлардаги натижадан 19% га юқори эканлиги тўлиқ исботланди.



3-расм. Самарадорлик кўрсаткичлари

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги H_0 нолинчи гипотеза рад этилади. Буни юқори ишонч билан айтиш мумкинки, тажриба-синов гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари тажриба гуруҳининг натижалари назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлди. Бундан жорий қилинган таълим сифатини назорат қилишни автоматлаштириш таълим сифатини назорат қилиш технологияси самарадор эканлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

Тажриба-синов ишлари таҳлили натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, биоорганик кимё фанини ўқитишда электрон таълим воситаларидан фойдаланиш бўлажак кимёгарларни ўқув, педагогик фаолиятга тайёрлашнинг амалий асоси ҳисобланади.

ХУЛОСА

1. “Биоорганик кимё” фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда талабаларда электрон таълим воситалари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, амалий фаолият учун етакчи компетенция сифатида амалда қўллаш қобилиятининг (контентли, технологик, коммуникацион ва фаолиятга доир) функционал компонентлари билан интеграллашган аспектлари аниқлаштирилди.

2. Кимё фанларини ўқитишда электрон таълим воситаларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш учун замонавий педагогик технологиялар

билан уйғунлашган методик таъминотни кучайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу асосида ўқитишнинг методик шарт-шароитлари аниқланди.

3. “Биоорганик кимё” фанини ўқитишда таълим сифат самарадорлигини ошириш учун яратилган электрон дастурий воситаларидан талабаларнинг мавзуларини мустақил ўрганиш ва фойдаланиш компонентлари ишлаб чиқилди. Яратилган электрон дарслик амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига тўла мувофиқ бўлиши, таълим олувчига қизиқарли ва илмнинг жамиятдаги ривожланиш даражасига мос илмийликка эга эканлиги кўрсатилди.

4. Олий таълим муассасаларида кимё йўналиши талабалари учун “Биоорганик кимё” фани учун электрон таълим воситаларидан фойдаланишга қаратилган методик модель ишлаб чиқилди ва педагогик амалиётга жорий этилди. Моделда талабанинг ривожланиш хусусиятларига асосланганлиги келтириб ўтилди.

5. Инновацион уйғунлик асосида биоорганик кимё фанининг маъруза мавзулари, лаборатория машғулотларининг амалга ошириш босқичлари анимацион-намоиш усулида кўрсатилди ва талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини масофавий фаоллаштиришга, эркин ва мустақил фикрлашга йўналтирилди.

6. “Биоорганик кимё” дарсларида таълимнинг илғор таълим технологиялари “Ментал карта”, “Эмпирик ва инверсион лаборатория”нинг таълим жараёнига қўллашнинг методик дарс ишланмалари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди; талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларнинг эҳтиёжи ва қизиқишига мувофиқ билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, ўзини-ўзи назорат қилиш имконини берди ва мустақил таълим самарадорлигининг ошиши кузатилди.

7. Педагогик тажриба-синов натижалари электрон дарсликнинг самарали эканлигини исботлади. Талабаларнинг “Биоорганик кимё” фанига бўлган қизиқишларини ошганлигини, БKM ларини тўла эгаллашга имкон берадиган педагогик технологиянинг тўғри эканлигини кўрсатди.

Тадқиқот давомида олиб борилган илмий кузатишлар, танишиб чиқилган ва таҳлил қилинган назарий ва фалсафий адабиётлар, олий таълим муассасаларида олиб борилган тажриба-синов ишларидаги натижаларга таяниб, куйидаги тавсиялар берилди:

1. Табиий фанлар, айниқса кимё фанларини ўзлаштиришда ҳам замонавий электрон таълимдан, ҳам замонавий педагогик технологиялардан уйғунлашган ҳолда фойдаланишни кенг қамровда татбиқ этиш зарур.

2. Кимё йўналиши талабалари учун 3D технологияларни такомиллаштириш ва қўллаш имкониятларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

3. Кимё фани-ишлаб чиқаришнинг асоси бўлган фан сифатида талабаларни мустақил ва кенг фикрлашга, ғояларига илҳом беришга ундовчи электрон дастурий воситаларидан унумли фойдаланиш ва бу жараённи тадбиқ этишни кучайтириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ Phd. 03/04.06.2020.Ped.70.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖУРАКУЛОВА НИГОРА ХОЛМАТОВНА

**МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ СРЕДСТВ
ОБУЧЕНИЯ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ПРЕПОДАВАНИЯ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

13.00.02 — Теория и методика обучения и воспитания (химия)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Карши – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.1.PhD/Ped788.

Докторская диссертация выполнена в Каршинском государственном университете
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский) размещен на веб-странице Научного совета (www.karshidu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Ихтиярова Гульнора Акмаловна
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Эргашева Гулрухсор Сурхониidinовна
доктор педагогических наук, доцент
Ражабов Худаяр Мадримович
доктор педагогических наук (PhD)

Ведущая организация: Термезский Государственный Университет

Защита диссертации состоится « 15 » декабря 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета Phd.03/04.06.2020.Ped.70.02 при Каршинском государственном университете. Адрес: город Карши, улица Кучабог, дом 17. Тел.(+99875) 225-34 -13. факс: (+99875) 221-00-56.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном Центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 1). Адрес: город Карши, улица Кучабог, дом 17. Тел.(+99875) 225-34 -13. факс: (+99875) 221-00-56 e-mail: qarshidu@umail.uz <http://www.qarshidu.uz>.

Автореферат диссертации разослан « 6 » декабря 2020 года. (протокол рассылки № 2 « 6 » декабря 2020 г).



Р.Д.Шодиев
Председатель Научного
совета по присуждению
ученых степеней д.п.н., профессор

И.Б.Камолов
Ученый секретарь
Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.н. (PhD)

С.О.Жураев
Председатель Научного
семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.п.н. (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философских наук (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В решении важных проблем учебно-воспитательного процесса по направлению химия во всем мире уделяется внимание внедрению новых подходов, инновационных методов и средств в области ИКТ, совершенствованию системы подготовки компетентных специалистов по биоорганической химии. Достигнуты большие успехи в модернизации дисциплины биоорганическая химия. В частности, анализ генетических кодов, клонирование, присоединение новых веществ к терпенам и стероидам, поворотные (вращательные) процессы конформационной изомерии (кетто-еноль таутомерия) вызывают интерес студентов и имеют важное значение при ориентировании к самостоятельной деятельности.

В мире осуществлены научные исследования по созданию новых форм информационно-образовательной среды (e-learning) в процессе преподавания дисциплины химия, повышению профессиональной подготовки на основе обладающей компетенцией изучения ДНК и РНК белковой инженерии⁴ в развитых странах, виртуального проектирования учебного процесса (Simulations) и программ международной оценки. В целях расширения практического охвата этих исследований для студентов образовательного направления химия важное значение имеет направленность на педагогическо-психологическое решение эффективного использования электронных образовательных ресурсов по дисциплине “Биоорганическая химия”, совершенствование систем онлайн обучения и методической системы.

Реформирование химико-биологического образования в Узбекистане, дальнейшее развитие электронных ресурсов и дистанционного обучения, коренная модернизация системы подготовки способных педагогических кадров еще более расширяют возможности. “Наряду с этим углубленное обучение юношей и девушек по предметам «химия» и «биология» даст толчок строительству новых производственных предприятий в регионах, ускоренному развитию отраслей фармацевтической, нефтегазовой, химической, горнодобывающей и пищевой промышленности, создающих высокую добавленную стоимость, в конечном итоге создаст прочную основу для улучшения условий жизни и повышения доходов населения”⁵. Созданные возможности вызывают необходимость повышения качества образования посредством совершенствования эффективного использования программных средств в преподавании химии, в частности, биоорганической химии.

Диссертация в определенной степени служит практическому исполнению задач, обозначенных в следующих документах и постановлениях: в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года

⁴ Journal of Chemical Education. <https://doi.org/10.1021/ed400264w>

⁵ Постановление Президента Республики Узбекистан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология»”. источник: <https://lex.uz/docs/4945470>

ПК-4947, «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Президента Республики Узбекистан, от 20 апреля 2017 года ПП-2909, ПК - 1740 «О мерах по дальнейшей оптимизации структуры развития системы высшего образования», Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2012 г. ПП-1740, Данная диссертационная работа реализуется Кабинетом Министров Республики Узбекистан от 25 июля 2012 года № 228 «О создании Центра по внедрению электронного обучения в учебных заведениях» при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан» а также от 23 сентября 2020 года Приказ президента⁶ № 637 «Об образовании» и в других правовых документах и постановлениях, имеющих отношение к диссертационной теме.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Исследования в этих областях изучалась проблема подготовки студентов к эффективному использованию программного обеспечения для электронного обучения.

